**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**
**РЕСПУБЛИКА ЎРТА ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ МАРКАЗИ**

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
биринчи ўринбосари
__________А.Ш.Иноятов
«26» ___01___ 2021 й.

**Билимлар соҳаси: Соғлиқни сақлаш**

**ПАРҲЕЗ ҲАМШИРАСИ**
**ихтисослаштириш**

**ЎҚУВ ДАСТУРИ**
**(ўқиш ҳажми- 216 кредит )**

**Тошкент – 2021йил**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGINING
TIBBIY TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH
MARKAZI

**ТУЗУВЧИЛАР:**

И.А. Махмудова — Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази директор ўринбосари

**ТАҚРИЗЧИЛАР:**

Г.О.Тошматова — Тошкент тиббиёт академияси “ Атроф мухит гигиенаси”кафедраси PhD ассистент

Ўқув дастури Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлар малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш марказининг илмий-педагогик кенгашида кўриб чиқилди ва тасдиқлашга тавсия этилди «21» 01 20.21.й. баённома № 1

Педагогик кенгаш раиси Л.Х.Мусаджонова

Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълим муассасалараро Мувофиқлаштирувчи кенгашда муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

«25» 01 20.21.й. баённома № 1

## Кириш

Ўзбекистон Республикасида ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш, малакасини ошириш, тиббиёт муассасаларида ҳамширалик ишини халқаро андозаларга мос тарзда ташкил этиш борасида замонавий тизим яратилган.Мазкур ўқув дастури Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ- 4310-сон ва 2020 йил 7 апрелдаги “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва янада узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 4666-сонли қарорлари,Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 11ноябр “ПФ – 4887 аҳолининг соғлом овқатланиши ва жисмоний фаоллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” фармони,Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 май 2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора -тадбирлари” ПҚ-5117 сонли қарори,Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги 160-сонли “Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини ташкил этиш буйича меъёрий хужжатларни янада такомиллаштириш тўғрисидаги” буйруғи ижросини таъминлаш доирасида яратилган.

“Парҳез ҳамшираси”ўқув дастури бўйича ихтисослаштириш гуруҳларида Республика даволаш профилактика муассасаларининг турли йўналишларда фаолият олиб бораётган, кейинчалик парҳез бўлимларида иш олиб боришни режалаштирган, даволаш, акушерлик ва ҳамширалик иши йўналишлари бўйича дипломга эга бўлган ўрта тиббиёт ходимлари ўқитилади.

Модул асосида тузилган дастурда ўқув фаннинг мазмуни, уни ўзлаштириш шакли ва усуллари ўзаро бирлашган. Бунда барча ўқув материаллари алоҳида модуллар (блоклар)га бўлинган бўлиб, ҳар бири нафақат маьлумот манбаи, балки уни ўзлаштириш усули ҳамдир. “Парҳез ҳамшираси” ўқув дастури ўқув режа асосида тайёрланган бўлиб, ҳамшираларни 216 кредит ихтисослаштириш учун мўлжалланган.

Таьлим олаётган тингловчининг ҳар томонлама касбий, дунёвий ва сиёсий қарашларини кенгайтиришга қаратилган янгиликлар, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар, янгиликлар, тиббиёт соҳасининг илм-фан ва амалиётининг ривожланиши тенденциялари ва ютуқлари, янги техника ва технологиялари тўғрисида маьлумотлар киритилиб, тиббий таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги, фанлар ва бўлимларни кетма-кетлигини таьминланган ҳолда, ҳамшираларни мустақил ишлашга йўналтирилган ўқув материалларини ўз ичига олади.

**1.1. Мақсад:**

Ўқиш натижасида ўрта тиббиёт ходимларининг мавжуд компетенцияларни такомиллаштириш ва касбий фаолият учун зарур янги билим ва кўникмаларни эгаллаш ва касбий даражасини ошириш. Турли йўналишларда фаолият олиб бораётган ҳамшираларни ҳар томонлама етук, мутахассисликлари етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишларига эришиш, улар фаолиятини янада такомиллаштириш, “Парҳез ҳамшираси” ва бошқа касбий фанлардан янги назарий билим олиш ва уни амалий кўникмалар орқали мустаҳкамлаш қаратилган.

**1.2. Вазифалар:**

- Соғлиқни сақлаш бўйича асосий қонунларни, амалдаги директив ҳужжатларни хамшираларни иш фаолиятида қўллай билишни ўргатиш;
- Аҳолини мавжуд хавф омилларидан келиб чиқиб, хавф гуруҳларига бўлиш
- Аҳоли орасида овқатланиш таомномасини ўрганган ҳолда, уларга истеъмол қилаётган озиқ овқатни таъсири ўрганиш.
- Озиқ -овқат маҳсулотлари таркибидаги витамин ва минерал моддалар таркибини, макро- микронутриентларни билган ҳолда, уларни биокимёвий лабораторияда таҳлил қилишни
- Аҳолини саломатлик ҳолати, ёши, тана вазни, бажарадиган иш фаолиятига мос ҳолда хар бир беморга мос келадиган озиқ- овқатлар тўпламини танлаб бериш.
- Тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик ва зарарли одатлар тўғрисида маслаҳат бериш асосий тамойилларини ўргатиш.
- Оналар, ҳомиладор аёллар ва болаларни овқатланиш маданиятини шакллантириш бўйича ўқитиш, саломатлигини ривожлантириш ва хавфсиз муҳит яратиш учун оилада мавжуд имкониятлардан ижобий фойдаланиш кераклиги юзасидан тушунтириш ишларини олиб боришга ёрдам бериш.
- Нутрициолог, диетолог ҳамширалар хонадонларга ташрифи давомида оналар ва болалар саломатлигида овқатланишни аҳамияти бўйича билим ҳамда кўникмаларни тақдим этиши, болалар ва ўсмирлар овқатланишларини тўғри ташкил қилиш борасида маълумотлар бериши.
- Аҳоли ўртасида соғлом овқатланиш маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, профилактик чора тадбирларни амалга ошириш орқали кўп тарқалган касалликларни олдини олишга ўргатиш.

**1.3. Таълим олувчилар тоифаси (контингенти):**

Ўқув дастур буйича даволаш профилактика муассасалари терапевтикбўлимларида фаолият олиб бораётган ҳамшираларнинг малакавий тавсифномаси ва лавозим йўриқномаларига мувофиқ, яъни мутахассислигини *тасдиқловчи ҳужжати*бўлган ҳамширалар учун мўлжалланган.

**1.4. Ўқув дастурни ўзлаштира олиш учун зарур бўлган тингловчи компетенцияси:**

- Ҳамширанининг хуқуқий маъсулиятлари, беъмор хуқуқлари, розилиги, рад этиши, асосий хаётий кўрсаткичларни ўрганишдир.
- Аҳолига нутрициолог, диетолог хизматини ташкил этишдаги директив хужжатларни ўрганиш. Аҳолига нутрициолог, диетолог хизматини ташкил этишдаги меъёрий хужжатларни юритишни билиш.
- Тиббиёт психологияси ва шахслараро мулоқот кўникмаларини ўрганиш.
- Кўрсатиладиган тиббий ёрдам самарадорлигини кучайтириш мезонларини билиши.
- Саломатлик кўрсаткичларини яхшилаш тамойилларини билиши.
- Мутахассислиги бўйича чуқур ва янгиланган тўлиқ назарий ва амалий билимларга эга бўлган, узлуксиз ўз малакасини оширишга тайёр бўлган, ўзгарувчан шароитларга тез мослаша оладиган, этика ва деонтология асосларни билиш ва риоя қилиш.

**1.5. Дастурнинг долзарблиги**:
Ўқув дастурининг долзарблиги амалий тиббий ёрдамнинг реалэҳтиёжларидан келиб чиқиб, амалдаги стандартлар ва баённомалар, далилларга асосланган тиббиёт тамойиллари, ҳамда замонавий илм-фан ютуқларига мувофиқлиги, тиббиёт фани ва амалиётидаги мавжуд вазият ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310–сон ва 2020 йил 7 апрелдаги “Тиббий – санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбийривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4666-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 май 2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора -тадбирлари” ПҚ-5117 сонли қарори,Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлашвазирлигининг 2020 йил 15 июндаги № 160 “Тиббий-санитария ва фармацевтикакадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини ташкил этиш буйича меъёрий хужжатларни янада такомиллаштириш тўғрисидаги” буйруғиижросини таъминлаш доирасида модуль тизими асосида ишлаб чиқилган дастурдир.
**1.6. Дастур ҳажми:** 216 кредит (кунига 6 кредит, ҳафтада 36 кредит).

**1.7. Ўқиш шакли:**
- кундузги - ўқиш ишдан ажралган ҳолда
- on/offline, масофавий / аънанавий ўқиш ишдан ажралган/ ажралмаган ҳолда

**1.8. Машғулотларни ўтиш тартиби:**Машғулотлар “Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини ташкил этиш тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигиниг2020 йил 15 июндаги № 160 буйруғи ва марказнинг ички тартиб-қоидалари асосида режалаштирилади ва амалга оширилади. Машғулотлар 9-00 да бошланиб, 13-40 да тамом бўлади.Тушлик - 30 дақиқа.

**1.9.Малака оширишдан сўнг:**Тингловчиларга тегишли намунадаги сертификат берилади.

## 2. РЕЖАЛАШТИРИЛАЁТГАН ТАЪЛИМ НАТИЖАЛАРИ

### 2.1. Режалаштирилаётган таълим (натижалари)дан сўнг тингловчи компетенцияси:

Тингловчи “Парҳез ҳамшираси”мутахассислиги бўйича ихтисослаштириш ўқув дастурини ўзлаштириши натижасида мутахассисликни хусусиятларидан келиб чиқиб, малакавий тавсифнома бўйича янги умумий ва малакавий кўникмаларини такомиллаштиради, қуйидаги касбий компетенциялари ошади:

**Умумий компетенциялар:**

- Ҳамширанининг хуқуқий маъсулиятлари, беъмор хуқуқлари, розилиги, рад этиши, асосий хаётий кўрсаткичларни ўрганишдир.
- Аҳолига нутрициолог, диетолог хизматини ташкил этишдаги директив хужжатларни ўрганиш. Аҳолига нутрициолог, диетолог хизматини ташкил этишдаги меъёрий хужжатларни юритишни билиш.
- Тиббиёт психологияси ва шахслараро мулоқот кўникмаларини ўрганиш.
- Саломатлик кўрсаткичларини яхшилаш тамойилларини билиши.
- Мутахассислиги бўйича чуқур ва янгиланган тўлиқ назарий ва амалий билимларга эга бўлган, узлуксиз ўз малакасини оширишга тайёр бўлган, ўзгарувчан шароитларга тез мослаша оладиган, этика ва деонтология асосларни билиш ва риоя қилиш.

**Касбий компетенциялар:**

- Ахоли соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш доирасида аҳоли орасида тиббий маданият, соғлом турмуш тарзи, касаллик ривожланишининг олдини олиш борасида профилактик санитария тарғибот тадбирларни олиб бориш: тўғри овқатланишни тарғиб қилиш, зарарли одатларга қарши курашиш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш
- Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғломлаштириш,профилактикаси асосларини
- Рационал овкатланиш, жисмоний фаоллик, рухий эмоционал саломатлик қоидаларини билиш

  -Озиқ -овқат маҳсулотлари таркибидаги витамин ва минерал моддалар таркибини, макро- микронутриентларни билган ҳолда, уларни биокимёвий лабораторияда таҳлил қилишни
- Аҳолини саломатлик ҳолати, ёши, тана вазни, бажарадиган иш фаолиятига мос ҳолда хар бир беморга мос келадиган озиқ- овқатлар тўпламини танлаб бериш

## 3.“ПАРҲЕЗ ҲАМШИРАСИ” ИХТИСОСЛАШТИРИШ ДАСТУРИЎҚУВ РЕЖАСИ

| № | Модулвамавзуларноми | Кредит | Аудитория машғулотлари | | Аттестация |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Назарий машғулот | Амалий машғулот | |
| 1.0 | **Касбий ривожлантириш модули** | **54** | **32** | **22** | |
| 1.1 | Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт соҳасидаги давлат сиёсати | 6 | 6 | - | |
| 1.2 | Тиббиётда замонавий ахборот коммуникацион технологиялари | 6 | 2 | 4 | |
| 1.3 | Хорижий тил | 6 | 2 | 4 | |
| 1.4 | Соғликни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар. | 6 | 6 | - | |
| 1.5 | Санитария эпидемиологик тартиб меъёрлари ва инфекцион назорат | 6 | 4 | 2 | |
| 1.6 | Ҳамширанинг шахслараро коммуникатив муносабатлари | 6 | 4 | 2 | |
| 1.7 | Соғлом турмуш асослари,тўғри овқатланиш мезонлари ва жисмоний фаоллик | 6 | 2 | 4 | |
| 1.8 | Фавкулотда ҳолатларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш. | 12 | 6 | 6 | |
| **2.0** | **Мутахассислик фанлар модули** | **156** | **56** | **100** | |
| 2.1 | Рационалва парҳез овқатланиш асослари. | 12 | 4 | 8 | |
| 2.2 | Парҳез столлар ва уларнинг аҳамияти.Таом таркиби ва ундаги озуқавий моддалар, уларнинг биологик қиймати. | 30 | 10 | 20 | |
| 2.3 | Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашга қўйиладиган талаблар. Озиқ-овқат маҳсулотларининг таомий, озуқавий, энергетик қиймати ва уларнинг гигиеник тавсифи. | 36 | 12 | 24 | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 2.4 | Таомнома тузиш тартиби ва меъёрлари. Таом тайёрлаш ва истеъмол қилишда санитар гигиеник талаблар. | 36 | 12 | 24 | |
| 2.5 | Парҳез ҳамшираси юритадиган меъёрий ҳужжатлар ва юритилиш тартиби. | 6 | 2 | 4 | |
| 2.6 | Шифобахш ичимликлар ва уларни турли касалликларда тавсия этиш. | 18 | 10 | 8 | |
| 2.7 | Юрак қон томир касалликлар хавфини кучайтирувчи нутриентлар.Қон босимини кўтарилиши. Атеросклероз ва миокард инфаркти.Юрак қон томир касалликларни олдини олувчи нутриентлар. | 6 | 2 | 4 | |
| 2.8 | Онкологик касалликлар хавфини кучайтирувчи нутриентлар. Канцерогенлар. Саратон касаллигини ривожланишига қаршиликни оширувчи озиқ овқатлар. | 12 | 4 | 8 | |
| | **Аттестация** | **6** | **2** | **4** | |
| | **Жами:** | **216** | **90** | **126** | |

**Модулни ўкитиш давомида ўзлаштириш натижасида тингловчи билиши керак:**

- Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш саломатлик ва физиологик ҳолатига қараб, аҳолини гуруҳларга ажратиш
- аҳоли орасида соғлом овқатланиш кўникмаларини шаклланишида нутрициолог, диетолог ҳамшираси фаолияти натижаларини баҳолаш
- пархез столлар ва уларни тавсия этишда нутрициолог, диетолог ҳамшираси фаолияти самарадорлиги бўйича янги рейтинг тизими;
- нутрициолог, диетолог тизимини жорий қилишмеханизмлари;
- хонадон нутрициолог, диетолог тизими;
- тиббиёт бригадаларни тартиби, мақсади ва вазифаларини билиш.

**Модулни ўкитиш давомида ўзлаштириш натижасида тингловчи бажара олиши керак:**

- Аҳолини ёши, тана вазни ва бажарадиган иш фаолияти, саломатлик ва физиологик ҳолатига қараб, аҳолини гуруҳларга бўлиш;
- Аҳолини ёши, вазни бажарадиган иши фаолиятига мос таомнома танлаш ва таклиф этиш.

- пархез столлар ва уларни тавсия этишда нутрициолог, диетолог ҳамшираси фаолияти самарадорлиги бўйича янги рейтинг тизими;
- тиббий кўрик ва даврий кузатувлар ташкил қилиш;
- аҳоли орасида соғлом овқатлниш нутрициолог, диетолог ҳамшираси фаолияти натижаларини баҳолаш
- нутрициолог, диетолог ҳамшираси фаолияти самарадорлиги бўйича янги рейтинг тизими бўйича ишлаш;
- аҳоли орасида соғлом овқатлниш нутрициолог, диетолог хизматини олиб бориш
- мақсадли кўриклар тизиминиамалга ошириш;
- хонадон нутрициолог, диетолог тизимини амалга ошириш;

## “ПАРҲЕЗ ҲАМШИРАСИ”
## ихтисослаштириш ўқув модулларининг мазмуни

### 1.1 Модул.Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт соҳасидаги давлат сиёсати.

| Ўқув модулига ажратилган кредит: | 6 кредит |
|---|---|
| **Ўқув модули мазмуни:** | Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йуналишлари,Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида маълумот бериш:<br>- Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлашнинг бугунги ҳолати ҳақида;<br>- Соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари;<br>- Соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш концепциясининг вазифалари;<br>- Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар;<br>Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш ҳақида;<br>Мажбурий тиббий суғурталашнинг ҳукукий асослари,механизмлари ва жорий этиш босқичлари;<br>Ҳусусий Соғлиқни сақлаш тизими,давлат-ҳусусий шериклик ва тиббиёт туризмини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган жараёнлар ҳақида.<br>2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш |

| | |
|---|---|
| | концепциясининг мақсадлари,вазифалари ва асосий йўналишлари. Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишнинг ҳуқуқий асослари.<br>Оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида тушунча бериш ;<br>Давлат-хусусий шериклик ва тиббиёт туризмини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтириш.<br>“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг мазмун-моҳиятини етказиш;<br>Тингловчиларга юқори сифатли кадрлар тайёрлаш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий онгини, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ҳақида тушунтириш; |
| **Ўқувмодул якунида билиши лозим:** | Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт сохасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари,соғлиқни сақлаш соҳасида қабул қилинаётган қарорлар ва фармонларнинг мазмун-моҳияти хакида.<br>Соғлиқни сақлаш тизимининг бугунги холати,2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантиришнинг максадлари,вазифалари хамда асосий йуналишларида белгиланган вазифалар яъни Соғлиқни сақлаш тизимидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, Соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳақида.Тиббий ёрдам сифати ва қулайлигини ошириш,соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш,юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш ҳақида. Оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.Фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш,тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ҳақида.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12-ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”4890-сонли қарори, Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг вақтинчалик низоми,жамғарманинг асосий мақсади,вазифалари ва |

| | |
|---|---|
| | функциялари ҳакида. Мажбурий тиббий суғурталашнинг ҳуқуқий асослари,механизмлари ва жорий этиш босқичлари ҳакида.Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик ва тиббиёт туризмини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳакида маълумотларга эга бўладилар. |
| **Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:** | Тингловчилар ўзлаштирган билимлари асосида бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, фаол фуқаролик позицияси ҳақида мустақил фикр юрита олиши, ўз фаолиятида этика ва деонтологияга риоя қилиши, коррупцияга қарши курашиши, тадбиркорликка интилиши керак.<br>Бугунги кунда тиббиёт ходими кўплаб соҳаларда билимга эга бўлиши, ўз устида тинимсиз ишлаши билан касбий маҳоратини ошириб бориши ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган қарорлар ва фармонлардан вақтида бохабар бўлиши, инсоний фазилатларни шакллантириб бориши ва жамоада виждонан ўз вазифаларини бажариш масъулиятини ҳис этиш масъулиятига эга бўлади. |

**Адабиётлар:**

1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.:Ўзбекистон, 2016;
2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони;
3.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 31 октябрдаги “Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори;
4.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 5- майдаги Узбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох килиш чор тадбирлари тугрисидаги карори.
5.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 7-декабрдаги 2019- 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси тўғрисидаги фармони.
6.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг 2020-йил 12-ноябрдаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора –тадбирлари туғрисидаги фармони.
7.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020-йил 12-ноябрдаги Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш

| |
|---|
| орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори.<br>8.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020-йил 12-ноябрдаги Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори.<br>9.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 28 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори;<br>10.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги Қарори;<br>11. Ш.Мирзиёев "Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз" рисоласи. – Т.: Ўзбекистон, 2016;<br>12. Ш.Мирзиёев "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови" асари – Т.: Ўзбекистон, 2017;<br>13.Ш.Мирзиёев"Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қурамиз" китоби.– Т.: Ўзбекистон, 2017;<br>14.Ўзбекистон Республикасининг " Коррупцияга карши курашиш тугрисида"ги конуни.2017 йил 3-январь.<br>**Электрон таълим ресурслари**<br>-**www. minzdrav.uz**–Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш тизимигаоидмеъёрий хужжатлар;<br>- **www.gov.uz** – Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали<br>- **www.press-service.uz**– Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати<br>- **www.parlament.gov.uz**– ЎзбекистонРеспубликасиОлийМажлисҚонунчиликпалатаси, Қонунчиқарувчиорганисайти<br>- **www.uza.uz** – Ўзбекистонмиллийахборотагентлиги<br>- **www.cbu.uz**- Ўзбекистон марказий банки портали<br>- **www.lex.uz**-Адлия вазирлиги портали<br>- **www.ziyonet.uz**- Маълумотлар портали |

**1.2 Модул. Тиббиётда замонавий ахборот коммуникацион технологиялари**

| | |
|---|---|
| **Ўқув модулига ажратилган кредит:** | **6 кредит** |
| **Ўқув модули мазмуни:** | Тиббиёт соҳасида компьютер технологияларидан фойдаланишдаги назарий ва амалий билимларни эгаллаш, тиббиётда қўлланилаётган физик ва математик моделлар тўғрисидаги замонавий назарий билимларни эгаллаш, тиббий |

| | |
|---|---|
| | статистик маълумотларни тўғри таҳлил қилиш, таҳлил қилинган натижалардан келиб чиққан ҳолда касалликнинг олдини олиш ёки даволаш йўлларини аниқлаш, ахборот технологияларидан фойдаланиш борасида асосий амалий кўникмаларга эга бўлиш, интернет тармоғида ишлаш, ахборот қидириш ва улардан фойдаланиш, тиббиёт ахборот тизимлари хусусиятлари, маълумотлар базасини ташкил этиш, эксперт тизимлари ва ахборот хавфсизлиги асосларини билиши керак. “Тиббиёт информатикаси асослари ” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:<br>- Тиббиёт информатикаси асослари, тушунчалари ва тасаввурларининг умумийлиги;<br>- Ахборот тушунчалари ва турлари. Тиббиёт масаларини ечишда информатиканинг ўрни;<br>Ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳақида |
| **Ўқув модул якунида билиши лозим:** | Компьютерга ахборот киритиш ва ахборот олиш қоидаларини, компьютерни тузилиши тўғрисида қисқача маълумотни, компьютернинг фойдали ва зарарли томонларини, компьютерда ишлаш жараёнида санитария қоидаларига риоя қилишни,<br>Тиббиётда замонавийахбарот коммуникационтехнологияларибиланишлаш<br>- Хозирги кунда тиббиётда информацион технологиялари соҳаси ривожланиб келмоқда тиббиёт ходимлари учун планшетлардан фойдаланиб, *online*- регистрация бўлмоқда<br>- Соғлом жамият қуришда ахборотлаштиришнинг ўрни. Соғлиқни сақлаш тизимини ахборотлаштиришда жаҳон тажрибалари ва мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ишлар;<br>-Ахборотларга ишлов бериш, киритиш ва чиқариш қурилмалари ва уларнинг тавсифи.<br>-Тиббиётда алоқава коммуникация воситалари.<br>-ҳозирги замонда информатиканинг ўрни ва роли, маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш ҳақида билиш ва улардан фойдалана олиши; |
| **Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:** | компьютер техникасибиланишлашдатехника хавфсизлиги;<br>- амалий дастурлар билан ишлашни;<br>- маълумотлар базаси яратишни, улар устида ишлашни ва дастурли таъминотни<br>дастурлаш асослари ва ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши керак;<br>- компьютер график усулларинибилишвафойдаланаолиш;<br>- Тиббий ахборотларалмашинувиваунииздлашдаинтернет |

| | |
|---|---|
| | тармоғидаишлаш;<br>Электронпочтадастурибиланишлашмалакаларигаэгабўлишикерак.<br>Тиббиётдаишчиўринлариниавтоматлаштиришдаватиббиймасалаларииечишдаахбороттехнологиялари.<br>-АКТ ривожланишинингҳуқуқийасосларихамдажамиятдагиўрни, соғлиқнисақлаштизимидақўлланиши.<br>-Замонавий тиббиётда компьютерларнингархитектурасиватаркибийтузилмаси |

**Адабиётлар:**

1. А.А.Абдуқодиров, А.Г.Хайитов «Ахборот технологиялари», Тошкент "Ўқитувчи таъминоти", Тошкент Меҳнат -2000 йил.
2. А.Ахмедов, Н.Тайлақов "Информатика", Тошкент, Ўзбекистон -2002й.
3. А.Сатторов "Информатика ва ахборот технологиялари" Тошкент, Ўқитувчи-2003
4. Т.Холматов, Н. Тайлақов "Амалий математика, дастурлаш ва комьпютернинг дастурий
5. Шералиев Ф.А. "Информатика ва ахборот технологиялари" Термиз-2010.

**Электрон таълим ресурслари**

http://www.edu.uz
http://www.pedagog.uz
www.tma.uz,
www.lex.uz
https://ru.pinterest.com/vkhamidov/

**1.3 Модул.Хорижий тил.**

**The role of English in medicine.Alphabet. Numbers.Parts of the body**

| **Ўқув модулига ажратилган кредит:** | **6 кредит** |
|---|---|
| **Ўқув модули мазмуни:** | Тиббиёт ҳамшираларига инглиз тилини таништириш ва тиббиёт соҳасига алоқадорлигини тушунтириш ҳамда шу соҳага оид терминларни ўрганиш. Инглиз тили алифбосидаги ҳарфлар ва асосий қўлланиладиган терминлар. 20 та ундош, 6 та унли ҳарфлар бор: унлилар: **a**,**e**,**i**,**o, u**,**y**; ундошлар: **b**,**c**,**d**, **f**,**g**,**h**,**j**, **k**, **l**,**m**,**n**,**p**,**q**,**r**,**s**,**t**,**v**,**w**, **x**,**z**. Уларнинг сўзларда қўлланиши. Инглиз тилида 1-1000 бўлган сонларнинг номланиши. Кишилик олмошлари ҳақида маълумот."To be , to have " феълларининг дарак, сўроқ ва инкор шаклларида қўлланилиши. Инглиз тилида ўзини таништириш ҳақида маълумотларни бериш ва уларни оғзаки |

| | |
|---|---|
| | нутқда қўллаш.<br>Тана аъзоларининг номланиши.Тиббиётда кўп учрайдиган кассаликлар, касаллик белгилари ҳамда тиббиёт мутахассисларининг номларини инглиз тилидаги талаффузини ўргатиш. Уларни оғзаки нутқда ишлатилишини амалий машқлар ёрдамида ўргатиш ва қўллаш. |
| **Ўқувмодул якунида тингловчи билиши лозим:** | Чет (инглиз) тили фанини ўзлаштириш асосида тингловчи саломлашиш ва хайрлашиш одоблари, ўзини таништириш ва ўзи ҳақида маълумот бера олиши, ўзгаларга савол бера олиши, илтимос қилиш, рад жавобини бериши, оила ҳақида қисқача маълумот бера олиш, оила аъзолари, уларнинг ёши ва касби ҳақида маълумот бера олиш ва таништира олиши ҳамда соҳага оид сўзлар, сўз бирикма ва атамаларни қўллай олиши, инсон характерини ифодаловчи сўз ва ибора каби тушунчага эга бўлиши керак. |
| **Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:** | Бугунги кунда тиббиёт ходими кўплаб соҳаларда билимга эга бўлиши, ўз устида тинимсиз ишлаши билан касбий маҳоратини ошириб бориши керак. Тингловчилар ўзлаштирган тушунчаси мобайнида чет тилининг бугунги кунда долзарб эканлигини тушуниши, эгаллаган билимини кундалик ҳаётда қўллай билиши, мутахассисликка оид сўз ва сўз бирикмаларини ўз соҳасида тўғри ишлата олиши, тиббиёт соҳасида ҳамда кундалик ҳаётда кўп ишлатиладиган гап ва ифодаларни, ўз таржимаи ҳолини, шунингдек унинг атрофидагилар нимага зарурият сезаётганини ва бунинг сабабларини содда қилиб тушунтириб бера олиш ишларини бажара олишлари керак.<br>Машғулотлар асосида тингловчи қуйидагиларни: саломлашиш, ўзини таништириш, шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, миннатдорчилик билдириш, илтимос қилиш, маълумот олиш ва бериш, узр сўраш, ёрдам таклиф этиш каби амалий кўникмаларини бажара олиши керак. |

**Адабиётлар:**


1.Abdurahimova InglizTili ( Tibbiyoto’quvchilariuchun).
2.GaffarovIngliztiligrammatikasi.
3.Endlish Matters  English-Uzbek English Dictionary, Mac Milan.
4.New Inside OutCeria Jones , Jon Hard , Phillip Kerr , Macmillan A1 - C1.
5.Macmillan English Grammar in Context , Michael Vince , Macmillan
дастурий таъминоти”, Тошкент Меҳнат -2000 йил.
6.Шералиев Ф.А. “Информатика ва ахборот технологиялари” Термиз-2010.


**Электрон таълим ресурслари**

| |
|---|
| **http://www. minzdrav.uz/**<br>**http://www.dtm.uz/**<br>**http://www.ziyonet.uz/**<br>**http://www.uztea.uz/**<br>**http://www.txt.uz/**<br>**http://www.englishprofile.org**<br>**http://www.teachingenglish.org** |

## 1.4 Модул.Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар

| **Ўқув модулига ажратилган кредит:** | **6 кредит** |
|---|---|
| **Ўқув модули мазмуни:** | Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурларини, соғлиқни сақлаш тизими ислоҳотларига оид Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини, Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг соҳага оид буйруқлари ва амалдаги меъёрий хужжатлар билан таништириш, улар асосида иш юритишни ўргатиш.Соғлом турмуш тарзи хакида умумий маълумотларни ахолига етказиш.<br>Бугунги кунда тиббиёт ходими кўплаб соҳаларда билимга эга бўлиши, ўз устида тинимсиз ишлаши билан касбий маҳоратини ошириб бориши ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган қарорлар ва фармонлардан вақтида бохабар бўлиши, инсоний фазилатларни шакллантириб бориши ва жамоада виждонан ўз вазифаларини бажариш масъулиятини ҳис этиш масъулиятига эга бўладилар. |
| **Ўқувмодул якунида билиши лозим:** | Ахоли соғлиғини сақлаш ва яхшилаш, соғлом авлодни тирбиялаш шарт-шароитларини шакллантириш имконини берадиган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурининг тамойилларини**;**<br>Ўзбекистон Республикаси ССВ томонидан чиқарилган мутахассисликка оид буйруқларни ва улар асосида ишлашни;<br>Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳакида, Соғлиқни сақлаш тизимида қабул қилинаётган меъёрий ҳуқуқий-ҳужжатларнинг мазмун-мохияти ҳакида мустақил фикр юрита олиши, аҳоли ўртасида тиббий онг ва тиббий маданиятни тарғиб этиш борасида ўрта тиббиёт ходимига қўйилаётган талаблар, ўз фаолиятида этика ва деонтологияга риоя қилиши, коррупцияга қарши курашиши, ижтимоий-сиёсий,ҳукукий соҳада билим ва кўникмаларни |

| | |
|---|---|
| **Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:** | Соғлиқни сақлаш тизимидаги меъёрий хужжатлар асосида иш олиб боришни;<br>Давлат дастурларига мувофиқ профилактика, табиатни мухофаза қилиш, санитария-гигиена ва эпидемиологияга қарши чора табдирларни ташкил этиш ва ўтказиш;<br>Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар ва амалдаги меъёрий ҳужжатларСоғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурлари, соғлиқни сақлаш тизими ислоҳотларига оид Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг соҳага оид буйруқлари ва амалдаги меъёрий хужжатлар билан таништириш, улар асосида иш юритишни ўргатиш. |

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.:Ўзбекистон, 2016;

2 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 5-майдаги "Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора- тадбирлари тўғрисида"ги 2956 -сонли қарори.

3 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 20-июндаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора – тадбирлари туғрисида"ги 3071-сонли қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 7-декабрдаги "2019- 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш тизимини комплекс ривожлантириш чора тадбирлар тўғрисида"ги 5590-сонли фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 10-ноябрдаги "Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора тадбирлари тўғрисида"ги 4887-сонли қарори.

6.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 7-декабрдаги 2019- 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси тўғрисидаги фармони.

7.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёвнинг 2020-йил 12-ноябрдаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора –тадбирлари туғрисидаги фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020-йил 12-ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4890-сонли қарори.

## 1.5 Модул Санитария эпидемиологик тартиб меъёрлари ва инфекцион назорат

| | |
|---|---|
| **Ўқув модулига ажратилган кредит:** | **6 кредит** |
| **Ўқув модули мазмуни:** | Тингловчиларгамеъёрий ҳужжатлар асосида шифохона ичи инфекциясини олдини олиш чора тадбирларини ўргатиш.<br>-Юқумли касалликларнинг (ўта хавфли ва карантин инфекциялар, ОИВ/ОИТСни) тарқалишини олдини олиш усуллари ва уларга амал қилиш йўлларини таҳлил қилиш.<br>-Даволаш профилактика муассасаларида дезинфекцияловчи воситаларга турғун штаммлар ҳосил бўлишини олдини олиш.<br>меъёрий ҳужжатлар асосида шифохона ичи инфекциясини олдини олиш чора тадбирларини ўргатиш. Юқумли касалликларнинг (ўта хавфли ва карантин инфекцияларни, ОИТСни) тарқалишини олдини олиш усуллари ва уларга амал қилиш йўлларини таҳлил қилиш. Тиббий муолажалар орқали юқадиган касалликларни олдини олиш.<br>Касалликлардан (COVID19) ҳимояланиш тамойиллари.Ҳимоя кийимларини кийиш ва ечиш тартибини ўрганиш. |
| **Ўқувмодул якунида билиши лозим:** | Шифохона ичи инфекциясини олдини олишда СанҚваМларга риоя қилиш, муолажалар вақтида авария ҳолатлари юзага келишини олдини олиш, авария ҳолатлари юзага келганда ўтказиладиган чора- чадбирлар йиғиндисини. Ўтахавфлива карантин инфекциялардаэпидемиягақаршиўтказиладиганчора-тадбирларни. |
| **Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:** | Шифохона ичи инфекциясини олдини олишда СанҚваМларга риоя қилишни. СанҚваМ бўйича жорий ва мукаммал тозалашни. Қўлларни гигиеник ювиш усулларини.<br>-Ўта хавфли ва карантин инфекцияларда эпидемияга қарши ўтказиладиган ва касалликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар.<br>-Ўта хавфли инфекцияларда ҳимоя кийимини кийиш ва ечиш тартиби.<br>Қон орқали юқадиган касалликларни олдини олиш, муолажалар вақтида авария ҳолатлари юзага келишини олдини олиш, авария ҳолатлари юзага келганда ўтказиладиган чора- чадбирларни.<br>Ўта хавфли инфекцияларда ҳимоя кийимини кийиш ва ечиш |

| | |
|---|---|
| | тартибини.\ |

Адабиётлар:


1. СанҚваМ № 0342/17 - 10 январь 2017 йил
2. “Международные медико-санитарные правила (2005) второе издание ВОЗ
3. “Эбола иситмаси” Ҳ.Б.Сапаров, Б.Ў.Ровшанов. Тошкент -2014
4. “Инфекционные болезни с курсом ВИЧ инфекции и эпидемиологии” А.К. Белоусова, В.Н.Дунайцева Феникс – 2007
5. “ВИЧ – инфекция” Под редакцией АН РУзДаминова.Т.А Ташкент – 2010.
6. COVID-19 бўйича миллий қўлланма .ЖССТ. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги.2020 йил 26 март


## 1.6 Модул Ҳамширанинг шахслараро коммуникатив муносабатлари

| **Ўқув модулига ажратилган кредит:** | **6 кредит** |
|---|---|
| **Ўқув модули мазмуни:** | Жамият ва беморнинг саломатлиги йўлида ҳалол меҳнат қилиш;ҳамиша ва ҳар қандай шароитда ҳам тиббий ёрдам кўрсатиш, беморга диққат эътибор ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш;ўзининг барча хатти харакатларида юксак инсоний қоидаларга риоя қилиш;тиббиёт ходимидек юксак шарафли ва маъсулиятли вазифани англаш;ўз ватанига, хукуматига меҳр-мухаббат ва садоқатни, интернационал бурчга содиқликни тарбиялаш;юксак инсонпарвар касбнинг олийжаноб анъаналарини сақлаш ҳамда кўпайтириш; Жамоада, индивидуал ва турли гуруҳларда шахслараро мулоқот маданият даражасини;<br>Ҳамшира жамият ва беморнинг саломатлиги йўлида ҳалол меҳнат қилишни, ҳамиша ва ҳар қандай шароитда ҳам тиббий ёрдам кўрсатиш, беморга диққат эътибор ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш;<br>ўзининг барча хатти харакатларида юксак инсоний қоидаларга риоя қилиш;<br>тиббиёт ходимидек юксак шарафли ва маъсулиятли вазифани англаш;<br>ўз ватанига, хукуматига меҳр-мухаббат ва садоқатни, интернационал бурчга содиқликни тарбиялаш;<br>юксак инсонпарвар касбнинг олийжаноб анъаналарини сақлаш ҳамда кўпайтириш;<br>тиббиёт ходимини меҳнат руҳида тарбиялашнинг мавжуд воситаларини умумлаштириш ва янгиларини ишлаб чиқишдир.Ички маданият қоидаларига, яъни: меҳнатга муносабат қоидаларига риоя қилиш, интизомга риоя қилиш, |

| | |
|---|---|
| | жамоат мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, ҳамжиҳатлик ва коллегиаллик туйғуларига риоя қилиш. |
